

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Уйчи туман ҳокими»



Ш.Мусаев

2022 й

БУЮРТМАЧИ:

«Уйчи туман» Ҳокимияти

“Аёллар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан
Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож
аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг
яхши таклифларни танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Уйчи тумани-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Уйчи тумани “Аёллар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш мақсадида етказиб берувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги қиймати – 3 810 000сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Уйчи туман” Ҳокимлиги (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи тумани, А.Темур кўчаси, 62-уй

Эл.адрес:uychituman@uzex.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидирлар.

**“Аёллар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан
Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож
аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг
яхши таклифларни танлаб олиш.**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Уйчи туманидаги “Аёллар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш учун етказиб берувчиларнинг энг яхши таклифларни танлаб олиш.
2	Буюртмачи	Уйчи туман ҳокимлиги
3	Буюртма учун асос	Аёллар дафтарига киритилган аёлларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш
4	Объектнинг жойлашган манзили	Уйчи тумани А.Темур кучаси 62-уй
5	Катнашувчи учун талаблар	1. Страпила дона $14 \cdot 100000 = 1400000$ 2. Устун дона $6 \cdot 135000 = 810000$ 3. Река метр $100 \cdot 11000 = 1100000$ 4. Сарроп дона $2 \cdot 250000 = 500000$ Жами: 3810000 сўм
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуксон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 3 810 000 (уч миллион саккиз юз ўн минг) режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида “Аёллар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Аёллар дафтарига киритилган уй жой таъмирига мухтож аёлларга қурилиш материаллари сотиб олиш
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 15 ноябргача
10	Молияташтириш манбаи	Уйчи туман ҳокимлиги “Аёллар дафтари” жамғармаси

Туман хоками ўринбосари



А.Ғофуров

Туман ҳокимлигининг бош юристконсулти



Н.Иномшаев

Туман хоками ўринбосари



С.Ахмадалиева

Етакчи мутахассис




А.Мелибаев

Етакчи мутахассис



Н.Мамадалиева

Бош мутахассис



М.Аскарлов

Бош мутахассис



О.Каримова

Туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси



М.Мамажанов